

ИЛГОР ПАХТАКОРЛАР ТАЖРИБАСИ ВА ФАН ЮТУҚЛАРИДАН КЕНТ ФОЙДАЛАНИБ, ҲОСИЛНИ ТЕЗРОҚ ЕТИЛТИРИШ УЧУН КУРАШАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

„Оқ олтин“
ҳам „кўк
олтин“


Оққўрғон районидagi Ҳамза номи колхоз деҳқонлари асосан пахта ва напон етиштириш билан шуғулланишди. Колхозда пахта ва напондан йил сайин мўл ҳосил етиштирилмоқда. Майдонлардаги гўза ва напон иккёлларининг авжи билади. Ўз вақтида ўқазилган озиқлантириш, сугориш ва култивация каби агротехник тадбирлар нақисини кўрсатди. Паёқалларда туркираб ўсаётган гўзаларда ҳосил нишонлари гузгун.

Колхоз деҳқонларининг бу йилги режалари натта. Уларнинг бирдан-бир ияти ҳосилдорлигини ҳар йилгидан ҳам оширишди. Гектардан 28 центнер ўрнига 35 центнердан пахта, 161 центнер ўрнига эса 190 центнердан ошириб напон ҳосили етиштирамиз. Жами 1800 тонна «оқ олтин» ва 10350 тоннадан ортиқ «кўк олтин» хирмони кўтарамиз. Бу доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигига бизнинг муносиб совғамиз бўлади» демаклар колхоз аъзолари.

Ҳозир колхоз даладарига иш қилгани. Гўза парварини кун сайин қулайтиришга деҳқонлар экинларнинг ҳосилдор бўлиб етилиши учун барча агротехник тадбирларни кўрмоқдалар. Бу ишда механизаторлардан Х. Усмонов, А. Яхшибоев, Т. Жумабоев, М. Абдиевлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

А. Яхшибоев бошлиқ зено деҳқонлари ўзларига қарашли 40 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан, М. Абдиев бошлиқ зено аъзолари эса гектар бошига 37 центнердан «оқ олтин» хирмони яқини иштиёқда гайрат кўрсатмоқдалар.

Х. ОЛЛОНАЗАРОВ.



«БЎСТОНЛИҚ» паррандачилик фабрикасининг ишчилари қўллаб туҳум етиштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: илгор ишчи Х. Авазова туҳумларни жойлаштириб тошкент диларга жўнатмоқда.

Н. Абдураулов фотоси.

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 151 (4142)

1

АВГУСТ

Ж У М А

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин



ОҚҚЎРҒОН районидagi «Ленинбод» колхозига гўзаларни икки томонлама ишлов беришга яқиний эътибор берилган. Суратда: зено бошлиқ ўртоқ З. Раисов гўзани туртинчи бор култивациядан чиқартир.

А. Абадан фотоси.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ

Ўрта Чирчиқ районидagi Оққўрғон номи колхозларининг илгор бригадаларида, зеноларига гўза парварини қилгани давом етирилмоқда. Колхозчилар ва механизаторлар ҳар туп гўзада мўлжалдаги ҳосил бўлиши ва уни эрта етиштириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай бригада ва зенолар шундай кўздан кечиришда сирдарёлик мусобақаларда пахтакорларнинг меҳнатини, қўлга киритаётган дастлабки муваффақиятларини мамнуният билан қайд қилдилар.

Оққўрғон номи колхозларининг Тошқўлат Исроилов бошлиқ қилаётган бригадаларда ишда меҳмонлар аниқсиз хурсанд бўлдилар. 129 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилган бу бригаданинг ҳар туп гўзасида ҳозир 7—8 тидан тўқ кўсақ бор. Чеканкадан чиқарилган гўзаларда ҳосил кун сайин қўпаймоқда ва тулшмоқда. Шунингдек, Терешкова номи колхозининг Ҳаким Саидов, зено, Саидхон Усмонов ўртоқлар бошлиқ қилаётган зеноларда ҳам ҳосилнинг қўпайиб боришини ошириб бажаришдан дарак бериб турибди.

Сирдарёликлар райондаги «Северний маяк» Свердлов номи колхозларда ҳам бўлдилар. Улар бу хўжаликларда айрим участкаларда дала ишларининг олиб борилишини қарор қилмадилар. «Северний маяк» колхозининг Ни Антон бригадасидagi ҳар туп гўзада энди бир-иккитадан кўсақ бор. Шунга қарамай, бригада аъзолари гўза парварининг бўлиштириб юборганлар. Култивация ва чопиқ тўхтатиб қўйил.

Т. НҲЛОШЕВ.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

РСФСРДА ЎЗБЕК АДАБИЕТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИДА ҚАТНАШГАН ИЖОДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

- РСФСРда ўтказилган ўзбек адабиети ва санъати декадасида актив қатнашган ишчилари ва қардош миллий маданиятларининг ўзаро алоқаларини ривожлантириш ҳақида муваффақиятга эришган кўпгина ишчилари учун қўйилганлар РСФСР Олий Совети Президиумининг фахрий ерлиги билан мукофотланган:
1. Ўзбекистон ССРнинг хизмат кўрсатган давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли.
 2. Хоразм «Лазги» ашула ва рақс ансамбли.
 3. «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли.
 4. Қорақалпоғистон АССР ашула ва рақс ансамбли.
 5. Меҳнат Қизил Байроқ орденли М. Қори — Екубов номидаги Ўзбекистон давлат филармонияси.
 6. Ўзбекистон ССР ашулчилар союзи.
 7. Ўзбекистон ССР рақсмонлар союзи.
 8. Ўзбекистон ССР композиторлар союзи.
 9. Ўзбекистон ССР кинематографчилар союзи.
 10. Ўзбекистон театр наамияти.
 11. Республика давлат гастроль-кооператив бirlашмаси — «Ўзбекистон, церт».

РСФСР Олий Совети Президиумининг Ракени

РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси

МОСКВА, 1969 йил 30 июль.

ҲОСИЛНИ КЎПАЙТИРИНГ, УНИ ЭРТА ЕТИЛТИРИНГ

А. ДАДАБОВЕВ,
биология фанлари доктори.

Бормоқда. Бу районларда, айрим хўжаликларда бир йилда икки-уч хил пахта нави чигити экинни ҳар томонлама чуқур ўрганиш пахтачиликда ҳосилдорлигини оширишда муҳим резервлардан бири эканлигини кўрсатиб турибди.

Хўш, Тошкент областининг асосий пахта майдонига «108-Ф» нав гўзалар ўстирилатган, улар ҳали ёш, ҳосил олиши кам экан, уларни тезроқ ривожлантириш, ҳосилнинг эрта етиштириш учун имсаларни қилиш керак? Бу ҳар бир пахтакорини, колхоз ва совхоз раҳбарларини, биз олимларни, хуллас ҳаммани қизиқтирмақда. Чунки Тошкент республикасининг шимолӣ областларидан ҳисобланади. Бу ҳам етмагандек, чигит иккинчи йиллардаги қараганда 15—20 кун кечиниб экинди. Ҳозирги пайтда гўза бир кеча-кундузда 1.2—1.4 сантиметр ўсаяпти. Қатор хўжаликларда биринчи суя кечиниб бошланганлиги сабабли эрта мўлжалларда берилган ўғит тупроққа, экин илдизига энди сингиб бормоқда. Шу билан бирга минерал ўғит шонинг сўнгги қўпайишига берилмоқда. Масаланинг яна бир нуқта томонидан айрим-айрим ишчилар иккинчи суя беришга эндигина киришляпти.

Юқорида айтилган бу фактлар тошкентликларнинг август ойида ҳам ишлагандек, ҳатто ундан ҳам зўр гайрат кўрсатиб меҳнат қилишини, ҳар туп гўзани бирма-бир кўриб, ундаги ҳосилни чамаляб, шунга қараб иш юритишларини талаб этади. Бунинг учун фан ва илгор тажриба ютуқларидан тўғри фойдаланиш энг муҳим вазифалардан бири.

Биз олимларнинг фикри шундан иборатки, БИРИНЧИДАН, гўзаларни ҳамма майдонларда тажрибали колхозчилар, мутахассислар билан бирга иш кўздан кечириб чиқиш лозим. Қўчат қалин бўлган майдонларда ҳосилни гўза туллари билан дарҳол юлиб ташлаш керак. Ҳосил олмагандек, аммо керакли гўзанин озиғига, суғига шерик бўлаётган ҳосилни гўзани бутун — эрта юлиб ташлашмас, у яна ҳам кучайиб, ҳосилдор гўзани кечиктирилади. Шу билан бирга гўзалар кетган жойлардаги гўза бўғимлари узун бўлиб қолган, у яна бўғимга зоб бериб қатор оралиғига қўйиб юришни ўқитиш мўлжал бўлмоқда, тупроқ яқин қизиб кетаяпти. Агар қалин жойларни тезда сиррактилиб чиқмасак, гўза баттар гўллаб, қўш ишчилардан иккинчи баҳраманд бўлаемиз.

ИККИНЧИДАН, азотли ўғитни қўймоқ, шалғил ерлардан бошқа тупроқдаги гўзаларга беришни бутунлай тўхтатиш лозим. Шу кунларда агрономлар, тажрибачилар билан баҳамлашадик иш тутиш ҳар бир деҳқоннинг муҳим вазифасидир. УЧИНЧИДАН, гўзанинг суғига бўлган талабини билиб унга суя қўйиш гўяг муҳим. Чунки тупроқ ҳар хил бўлади. Бир ер пахта пишиб етилгунча бир-икки марта суя ичиши, айрим даладар тўрт-беш марта сугорилиши мумкин. Гўзанинг суғига бўлган талаби тупроқ шароитига қараб турлича белгиланади.

Тошкент областининг айрим хўжаликларидида сувдан тўғри фойдаланишга етарли эътибор берилмаётган. Гўллаб кетган гўзаларга ҳам ҳар бир қатор бўйлаб суя берилмоқда. Бунинг асосига Янгйўл районидagi қир участкаларда гўзанинг гули тегна чигит кетган бўлса ҳам эгач ташлаб сугорилмоқда. Бўка, Бекобод районларидagi колхоз ва совхозларда ўқарчиларнинг оралиғи жуда узун — 200—250 метр. Натижада суя гўзаларни эътибор юбормоқда. Бундай ҳолини Бўка районидagi 1.2-«Пикет» совхозларидида кўриш мумкин. Даладарни куллатиб сугоришга дарҳол барҳам берилиши керак. Акс ҳолда шу вақтгача пешмана тери тўкиб етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади.

Кўсанинг тез етилиши, пахтанинг эрта ишшини учун тупроқни вақт-вақтида юмшатиб турниш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар

галти сувдан кейин ерининг нами қочмасдан култивация ўтказиш, ўсимлик атрофини ҳамма вақт майин, донатор тупроқ билан қўллаб қўйиш, иссиқ кунларда намининг етарли сақланишига, бегона ўтларнинг ўсимлигига ёрдам беради. Бундан кейин култивациянинг сифатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалик зараркунадалари ва касалликлар билан курашни август ойида ҳам тиним давом етирилиши керак. Пахтанинг ашаддий душмани вилт касаллиги маълумки, ҳар хил районда шароитга қараб турган мўлжалларда пайдо бўлади. Шунга айтиш керакки, Янгйўл районининг баъзи колхозларидида, масалан, «Коммунизм» колхозида ҳозирдан бошлаб вилт тушган гўзаларни қўриш мумкин. Вилт касаллиги бошқа район колхозларига нисбатан бу ерда эртароқ пайдо бўлган ва микдори ҳам кўп. Вилт гўзанинг ўсишига қараб қўпаймоқда.

Бу аҳолининг олдин олинган агротехника қондаларига тўла амал қилиш, ҳар бир ишни сифатли ўтказиш, энг муҳим гўзани куллатиб сугоришга мўлжал бўл қўпмаслик зарур.

Чеканка, деҳқонларнинг иккинчи йилларда, ҳосилни қўпайтиришга ва уни эрта етиштиришда муҳим агротехника тадбирларидан биридир. Бу ишни ўз вақтида бажариш, чеканка қилган пайтда асрий шохлар билан бирга ёрқиндаги унмисиз шохларни ҳам қилиб кетишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳозирги пайтда гўза чеканкасини кечиктирмаслик, уни сифатли ўтказиш, ҳашаротга қарши курашни қўпайтадиган уошатириш зарур. Бунинг учун колхоз ва совхозларимизда зарур бўлган ҳамма ишқонитлар бор. Хилма-хил техника, захарли моддалар етарли. Гап ана шу ишқонитлардан оқилона ва унумли фойдаланишда қолган.

Давлатга сотилган пахтадан кўп ёки оз даромад олиш ҳар бир совхоз ишчиси ва колхоз аъзосининг қўпайиши. Шу кунларда гўзани қўпайишга мўнасабатда бўлишга, даромад шунга яраша бўлади.

Гўза биологиясига қараганда ҳар қандай гўза нормал агротехника шароитида ўстирилади, унда тушнинг пастидан утга қўрак олади. Агар уларнинг қўпайишига йўл қўйилмас, пахта сишиб очилса, аъло сифатга қараб қилинади. Ундан кейин олтинга кўсақ сулади, булар пахта сишиб билинчи сорта, ундан кейинги 9 та кўсақ пахта сишиб иккинчи сорта, шундан сўнг пайдо бўлган 12 та кўсақ пахта сишиб учинчи сорта қабул қилинади. Охириги ўн беш кўсақ пахта сишиб туртинчи сорта ўтади.

Гўза нормал ривожланганда йирик кўсақлар пахта сишиб 9—10 грамм тош босади. Булар албатта аъло сорта қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда ҳар туп гўза туртинчи сорт пахта сишиб ҳисобланганда биринчи, иккинчи, учинчи сорт пахта ҳисобига 25 центнердан ортиб 35 центнергача, ҳатто ундан кўпроқ ҳам ҳосил етказиб бериши мумкин. Шунинг учун тошкентликлар август ойида гўза парварини тинимай, қизгин давом етиришлари зарур.

Пахтакорларимиз шунинг унутмасликларига керакки, гўза тулларида эрта пайдо бўлган шона ва гўл қанча кўп, сақлаб қолinsa, қўсаги шунча кўп бўлади, унинг пахта сишиб тош босади, ҳосили биринчи-иккинчи сорта қабул қилинади. Ўз-ўзидан маълумки, бу, колхоз ва совхоз даромадини қўпайтиради.


Ҳар бир деҳқон, механизатор фан ютуқлари, илгор тажрибани кенг қўллаш, гўзани шароитига қараб парварини қилиши, шона ва туллари қўпайтириш, кўсақларни тезроқ етиштириш учун чинакамга гайрат қилиши зарур. Шундай қилинганда, шубҳа йўқки, пойтахт областининг пахтакорлари беш йилликнинг туртинчи йилида мўл ҳосил етиштириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар ва ундан доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига муносиб совға тайёрлайдилар.

МОСКВА ЎЗБЕКИСТОННИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

Кеча Москвада Кремлиннинг Сьездлар саройида РСФСРда бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси тантанали суратда якунланди.

Ўзбекистонлик санъаткорлар пойтахт меҳнаткашлари олдида ўз маҳоратларини намойиш этидилар. Сьездлар саройида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Ўзбекистон Давлат филармонияси, Ўзбекистон радио ва телевидение санъаткорлари, шунингдек декаданинг бошқа қатнашчилари ҳисобот концерти беришди.

Якуновчи концерт икки халқ маданиятининг катта байрамига айланди.



ЎРТА ОСИЕДА ягона ҳисобланган Тошкент трактор заводи қурилиш тезкорлиги билан олиб боришмоқда. «Ташавтомаш» заводи территориясида бўйиб этилаётган мажкур корхона қучли дингелга эга бўлган замонавий «Т—28Х4» тракторлари ишлаб чиқаради. Заводуни йиллик ишлаб чиқариш қуввати 24 минг тракторга мўлжалланган. Бешйилликнинг охирида дастлабки машиналар даладига йўл олади. Суратда: қад кўтарётган янги корусул.

М. Баржаков фотоси.

(ЎТАГ).

УЛКАН ҚУРИЛИШГА ЗАРБДОР СУРЪАТ

СУРЪАТИ ТЕЗ, СИФАТИ СОЗ

Республикамизнинг турли бурчларидан юрак амри билан келган бунёдкорлар жуда кўп бу ерда. Улар химия заводи қурилишида ҳар бир кунни гайрат ва матонат намуналарига тўлдирмоқдалар. Бу борада айниқса «Промтехмонтаж» азаматлари иш ўрнида бўлаётган. Улар техник жиҳозларнинг монтаж билан шуғулланишляпти. Энг мураккаб карусель вакуум филтёрлари монтажини Владимир Полякин бошлиқ коллектив ҳар ойда битта вакуум филтёр монтажини сифатли тўғаллашга эришмоқда. 25 августга бешта вакуум филтёрнинг қўлдан чиқаришга қарор қилинган. Ойлик пландан муттасил 140-150 процентга етказиб бажариляпти. Юқори кўрсаткичларга эришишда Мансуров, Шумаков, Болжов ўртоқлар сингари ишчиларнинг қўшаётган ҳиссалари айниқса салмоқли бўлмоқда.

Коллективнинг муваффақиятларида рационализаторлик таклифлари ҳам иккинчи роль ўйнамоқда. Масалан, В. Полякин киритган таклиф карусель ва-

куум филтёрларини монтаж қилиш муддатини анча қисқартирди, меҳнат унумдорлигини эса оширди.

— Биз монтаж ишларини вақтинчалик мосламалар билан олиб борардик, — дейди у, — эндиликда монтажни лебедкалар ёрдамида олиб боришни таклиф этдик. Натижада филтёрлар монтаж беш кунга тезлашди.

Бригадада 19 киши ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги ёшлардир. Аҳил оилада рус, ўзбек, татар ва бошқа миллат фарзандлари бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳозиргача 900 квадрат метр майдонда монтаж ишларини муваффақиятли тугатдилар. Шу кеча-кундузда тўртинчи карусель вакуум филтёр монтаж устида иш олиб бориляпти. Бешинчисини ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топшириш ниятдалар. Бу бунёдкорларнинг доҳиймиз В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллигига муносиб совғаси бўлади.

Г. ЖАМБУЛОВА.

МОНТАЖЧИЛАР ҒАЙРАТИ

КОРХОНАНИНГ энг улкан аммофос цехи қурилишида «Алмалик-Свинцеострой» трестининг 2-қурилиш бошқармаси ва «Промтехмонтаж» бошқармаси меҳнатсеварлари фидокорлик кўрсатишляпти. Икки забердаст коллектив цех учун зарур бўлган энергетика объектлари қурилиши, металл конструкцияларини монтаж қилиш ишларини жадал суръатлар билан олиб боришляпти. Шунингдек, технологик асбоб-ускуналарни ўрнатиш, уларга пайдооворлар барпо этиш ҳам қизгин бормоқда.

Цехда шу кунларда бутун диққат-эътибор асбоб-ускуналарни монтаж қилишга қаратилмоқда. 9-вертикал ва 2-горизонтал куритгилар қўлдан чиқарилди. Шунингдек, иситич ва газ тортиқларини ўрнатиш ишлари ҳам тугалланай деб қолди.


Экстракция цехида ҳам энергетика объектлари қуриш жадал бормоқда. Бу ерда карусель вакуум филтёрларини монтаж қилиш графикда белгиланганидан бирмунча олдинда бормоқда.



БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШИДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ партия ва ҳукуматининг Олмаликдаги янги химия заводида бир йил ичда қуриб битказиш ҳақидаги қарорни муваффақиятли адо этилмоқда. Юзлаб ошқалб қурувчилар химия гигантини гоёт тезкорлик билан бунёд этишляпти. Меҳнатсеварлар гайрат ва матонат кўрсатмоқдалар. Шу кунларда асосий цех-

ларнинг корпуслари қўйқа бўй чўзиб қолди. Ҳа, республикамизда янги минерал ўғит ишлаб чиқаришга бу корхонанинг ишга туширилишига кўп вақт қолгани йўқ. Суратда: пешқадим қранчилар Виктор Воинов ва Халил Хайбуллаев ўртоқлар. Пастдаги суратда эса аммофос цехининг умумий қўрилиши.



ШИЖОАТКОРЛАР

Бу ерда топшириқни муддатидан илгари бажариш учун курашаётганлар сафни кундан-кунга кенгаймоқда. 5-қурилиш бошқармасининг ўртоқ Г. Пуртов раҳбарлик қилаётган бригадаси азаматлари беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш шiori остида иш олиб бормоқдалар. Авваллари бригада меҳнатсеварлари смена нормаларини 130 процентдан адо этишар эди. Эндиликда эса улар топшириқни бир йрим баравар ошириб бажаришга аҳд қилиб, шунга яраша ташаббускорлик кўрсатишляпти.

Бунинг учун бригадада имониат бор, албатта. Бригадада ўн беш киши бйриктилган. Улар орасида монтажчилар, пайвандчилар, арматурчилар, куллас ўз ишини севадиган ва яхши билладиган қурувчилар бор. Улар экстракция цехи қурилишида ўз касбдошларига ўр-нак бўлмоқдалар.

Улуғ сана шарафига кўплар қатори бу бригада аъзолари ҳам экстракция цехини муддатидан бир ой олдин қуриб битказишга астойдил интилмоқдалар.

ҚУРУВЧИ ҚИЗГА

Олмаликда бир қиз қўрдим. Бир қиз қўрдим, гўштин қиз. Гўшт терали, бориб турдим. Боқмади ҳам ишчи қиз.

НАҚОРАТ:

Енгинангда бўлай, барно, Кўзим сенга қадалсин. Бино қурай, қўйиб бино Номин ишчи аталсин! Иши тигиз, иши жадал, Қўли-қўлга тегмайди.

Гўзал экан, жуда гўзал, Сўзласам, нидамайди.

Сўзларимга бергин жавоб, Шун истадиги кўнгил! Кўйдирмоқда, стар офтоб, Сен куйдирма, куяр дил.

Сени қора тортиб келдим, Енгинга ол, иш ўрат. Дилга ишқ солиб келдим, Дилга ўзинг бахт ўрат.

НАҚОРАТ:

Енгинангда бўлай, барно, Кўзим сенга қадалсин. Бино қурай, қўйиб бино, Номин ишчи аталсин!

САИЕР.

ЭҲТИЁЖЛАРИМИЗ

Республикамизнинг янги гигант химия корхонаси ўз муддатида ишга туширилиши учун юзлаб қурувчилар гайрат-шижоат намуналарини кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар қачонгидан кўра кўтаринки руҳда меҳнат қилаётган-диллари бизни беҳад қувонтирмоқда.

Ҳа заводида ишга тушишига санокли кунлар қолди. Ихтиёриймадаги ҳар бир дақиқа ҳисобда. Қурувчилар кун санашмоқда. Ҳар бир бригада ва участка аниқ график асосида иш олиб бормоқда.

Мутахассисларимиз техника жиҳозларини пешма-пеш ўрнатмоқдалар. Ҳозиргача 95 процент технологик асбоб-ускуналар келтирилди бўлиди. Бу юртимизнинг Иттифоқимизнинг барча йирик корхоналари муваффақиятли адо этиш ва ўз вақтида корхонамизга етказиб беришди.

Корхонамизнинг йил охиригача ишга тушиши учун яна ўнлаб бунёдкорлар қатори юзга яқин мутахассис кадр ҳам нийоятда

зарур. Чунки фақат ана шу қўшимча ишчи кучлари бўлсагина завод ўз муддатида фойдаланишга топширилиши мумкин. Лекин бизни ташвишлантираётган энг муҳим нарсаси шунки, «Алмалик-Свинцеострой» трестининг биринчи қурилиш бошқармаси коллективи заводимиз ишчи-хизматчилари учун уй-жой қуриб бериш юзасидан топшириқни кўнгилдагидек бажаришляпти.

Шу йилнинг биринчи ярмида 4968 квадрат метр сатҳли учта турар-жой биноси фойдаланишга топширилиши лозим эди. Лекин, бошқарма раҳбарлари ана шу муҳим масалалар етарлича эътибор беришмади. Оқибатда ҳа-нузгача биронга ҳам турар-жой биноси қим-ёғар қурувчиларга ҳада этилмади. Иккинчи ярим йилликда эса 64 хонали турар-жой би-носи ҳам қуриб битказилиши зарур.

Трест бош инженери ўртоқ В. М. Ким қатъий график тузиб, май, июнь ва сентябрь ойларида биттадан турар-жой биноси фойдаланишга топширилади, деб қатъий ваъда берган эди. Мана, август ойи ҳам яқинлаш-ляптики, ўртоқ В. Ким ваъда қилган ва «аниқ график» асосида иш юритилган объектлар битмаётди.

Бу ачинарли аҳвол бизни гоёт ташвишга солмоқда. Негаки, юқорида айтиб ўтганимиз-дек, химия заводи қурилишига яна қўшимча юзлаб биноклар, ўйлаб мутахассислар келишляпти. Уларни уй-жой билан старли таъминламай туриб, корхонани ўз муддатида фойдаланишга топшириш ҳақида қандай гал бўлиши мумкин! Шубҳасиз, уй-жой танқис-лиги завод қурилишида биноклар етишмов-чилиги хавфни туғдирмоқда.

«Алмалик-Свинцеострой» трести ва унинг биринчи қурилиш бошқармаси раҳбарлари бу масалаларга эътиборни қўйиштиришлари керак. Чунки корхонада ишловчи мутахассисларни, қурувчи надрларни уй-жой билан старли таъ-минлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ю. ОРЛЯНСКИЙ,
завод бош инженери.

КОРХОНАДА асбоб-ускуналар монтаж ҳам қизгин бормоқда. Суратда: куритиш барабанлари монтажиде пешнадамлик қилаёт-ган слесарлар Вячеслав Белухин (чапда), Виктор Тича ва Сергей Черкашин ўртоқларни қуриб ту-рибсиз.

Н. Глауберзон ва В. Сироткин
фотоляри.

БИРИНЧИ ИМТИҲОН

— Бормайман, дедимми, вас-салом, — тескари ўғирилди Зу-фар ака.

Рихсбой тушуяттиришга ўт-ди:

— Зуфар ака, компрессор станциясини бутун-эрта қўлдан чиқарай, деб турибмиз. Яна бит-та компрессор келтирсак кишлоб. Нахотки шуни тушунамасанми?

— Тушунаман, тушунаман. Лекин сизиникидан ҳам зарур-роқ ишларим бор. Ана, бошқа-ларни юборинг.

Зуфар ака Гимасев — Рихс-бой Шорахмонов мастерлик қи-лаётган иккинчи қурилиш бош-қармасида бригада бошлиғи. Ко-лаверса, ҳозир қўнгида: «Бри-гадир бўлсам-у, компрессор та-шишга ҳам йўқ эмасди. Рихсбой бўни ҳаёлига ҳам келтирмас, иш долариб пайтада «сен катта-ю-мен каттага бориб юрмасди. Улар бироз тортишиб қолмишди. Рих-сбой Зуфар ака кўнгидагини се-вад-у, ақмо юзига солмади. Йўқ, у асло каттиқ қилириб, би-ровнинг кўнгилини қолдирмаган-лардан эмас. Зуфар ака, бари-бир, юмшаб эмас, жаҳл билан чиқиб кетди. Рихсбой дераза-дан қараб қолди. Ҳовлида маши-на турар, Зуфар ака ерга қара-ганча жадаллаб борарди. Ниҳо-ят, у кабинетга ўтириди, «хўра-йиб Рихсбой томонга қараб қўйди. Рихсбой беҳайрат қи-лаётди. «Алойиб феъли бор! — деб ўйлади, у, — ишнинг му-ҳимлигини тушунади. Ҳақиқий қурувчи деб мана буларни айта-сиз бўлади». Сўнгги шу заҳоти те-лефон трубкасини қўлга олди.

— Алло! Граниямисан? Са-ломат бўл... Ҳа, бош қашнига ҳам қўз тегмайдими... Нима? Ал-батта топширамиз. Грания, ком-прессорга керакди хужжатларни бериб юбор... А? Гимасев кетди, бир зумгича дераза ёнча бориб, тираситга суянди. Эҳ, бу ком-прессор, қанчалар қийнамади,

дейсиз. Мана, тўртинчи ҳафтаки, у дам олиш нимадигини билмай-ди. Бир дақиқа азиз даласи ва ойнасини, рафиқаси Лазокатни эслади. Согич ҳислари қалбини орантириб юборди.

Лекин иш-иш! Шундай пайт-лар келадикки, биргина топшириқ кишининг қимлигини, нималар-га лаёқатли эканини ошқора қи-лади. Биргина муҳим иш ё нур-га чулғайди, ё гапга булғайди, кишини. Рихсбой участка ку-рувчилари зиммасига юклатил-ган вазифани чуқур ҳис этарди.

Айниқса унинг компрессор станциясининг асосий қисмини

ЛАВҲА

ўрнатишда кўп бошни қотди. Чунки ишнинг бутун муваффа-қияти ана шу қисмага боғлиқ эди. Кимни шу ишга юбориб ке-рак? Қандай турки киши буни ақлоқласинки аниқ. Бунга Рих-сбойнинг кўзи етарди. Ўйлаб-ўйлаб, участка ишчилари Ил-дусов ва Акбаровлар олдига борди.

— Алижон, — деди у Илдо-совга мурожаат қилиб, — ишчи кучи етишмаётгани ўзларингиз-га маълум. Бу муҳим иш, ме-нинча, фақат сизларнинг қўли-гиздан келади.

Электромотор ўрнатиладиган бешта пойдевор агрофини бетон билан шиббалаш айтишга осон. Аммо, икки азамат барча огир-лигини ўз устига олиб уч қанда-уни қўлдан чиқарди.

Кечгача Рихсбой бирон дақи-қа ҳам дам олмай, Келтирил-ган компрессорни Халил Наби-ев, Тошўлат Мамасолев, Вик-тор Кузнецов, Толик Керамли-ков каби бетончи ва дурадгор-лар ихтиёрига топшираркан, қўнги салгина таскин топти.

— Ингитлар эртага комиссия-га топшира оламизми?

— Кўнгилингиз тўқ бўлсин, — бараварига жавоб беришди улар. Шу кунги Рихсбой тугилиб-ўсган жойи — Пискейта йўл ол-ди. Балки қурилишдан қўнги-ли тўлгани учунми, ёки бу қувонч-ни уйдагиларга билдиришга оши-қаётгани учунми, у узок йўлни қандай босиб ўтганини ҳам би-май қолди. Қайноқ ва сершов-қини қурилиш участкасидан узок-лашаркан, ҳаёлида ҳамон ўша азамат бунёдкорлар, цехларнинг кўкка бўй чўзиб қолган корпус-лари гавдаланар, улар бутун вужудини қамраб олган эди.

Мана, қадрдон уйи. Бундан бир ой олдин чиқиб кетаркан, юрагиде шубҳа ва гумошлар, ишонсизлики бор эди. Энди қай-би шодлиққа, гурурга тўла!


Рихсбой уйга кириб, дастур-хон устида қурилишдан икки оғиз ҳикоя қилиб берди.

— Эртага биринчи имтиҳон-дан ўтмазми. Компрессор стан-циясини топширамиз.

— Ишинг ўнганда келсин, — деди Шорахмон ота.

...Тоглар бағрида ўсган одам-га тоғнинг юксаклиги ва улуг-ворлиги сезилмайди. Аммо, узок йўл босиб, ана шу тоғлар рўпа-расида бир зум тўхтасангиз, ҳай-ратда қоласиз. Рихсбой ҳам шундай бўлди. Янги қурилаёт-ган химия заводида яқинлашар-кан, бор-йўзи ярим йил ичда та-тай-табир ерда бениёс корпус-лар, азамат цехлар над кўтар-ганга ҳайрон эди. У қурувчи-лар ўз меҳнатлари билан ажо-лий ёдгорлик барпо этишга та-йин дилидан ўтказди. Бунда унинг ҳам улуши бор. Келажан-да бу корхона Олмалиқ кўркини бўлиб қолиши шубҳасиз.

Х. ИКРОМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мах-сус муҳбири.



ЕШЛАР ЖАСОРАТИ

ойда мунтазам яқунлашиб бо-рилмоқда. Илгорларга кўча-вишпел ва қиммагасоҳа мукофот-лар берилмоқда.

Доҳиймиз В. И. Ленин тугил-ган куннинг юз йиллиги шара-фига бригадалар ўз зиммалари-га оширилган манбурятлар қабул қилишган.

Ўртоқ Иван Осипенко раҳ-барлик қилаётган бригада қу-рувчилари фақатгина завод бун-ёдкорлари орасидагина эмас, балки бутун «Промтехмонтаж» бошқармаси коллективни ўртаси-

да ҳам муносиб обрў-эътибор қозонилган. Бригадада 10 ки-ши ишляпти. Лекин уларнинг қилаётган ишлари чиндан ҳам улкан. Зарбдор ёшлар заво-дининг энг муҳим — аммофос це-хиде иситич ва газ тортиқчи-ларни монтаж қилишляпти. Бу масъулиятли ишда бригадининг кўпгина ёшлари гайрат-шижоат намуналарини кўрсатмоқдалар. Ўртоқ Д. Дошьюко сошчилик қи-лаётган комсомол-чилар брига-даси ҳам ўрнатилган бунёдкор-ларнинг амалга оширяпти.

«Стальмонтаж» бошқармаси-нинг бу пешнадам бригадаси аъзолари экстракция цехида қурилиш ишларини олиб бо-рмоқдалар. Улар экскаваторлар устига ўрнатиладиган кран ту-синлари учун «монорельслар монтаж қилишляпти». Бу жуда ҳам масъулиятли участка ҳи-собланади. Ёшлар буни чуқур ҳис этиб, ишнинг сифатли ўт-тириш учун қайғурмоқдалар. Шунингдек бу бошқарманинг Ю. Королёнико ва Н. Стациско ўртоқлар етакчилиги қилаётган комсомол-ёшлар экипажлари ҳам қувончи ютуқларга эриш-моқдалар.

Е. ФАБИЯН,
Комсомоллар штаби бош-лиғи.

